

Самарқанд шаҳри

14.01.2022 йил

МСЧJ «НУМО МЕД-PHARM», кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи З.Исмаилов номидан, бир томондан ва Самарқанд вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи раҳбар З.Б.Умирзаков. номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

**1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ**

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига ўз вақтида сифатли қилиб етказиб бериш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар номи	Улчов бирлиги	сон	Нархи	Суммаси	ККС		Сумма ККС билан бирга
						%	Сумма	
1.	Калций 100мл	дона	2	470217	940434	ККС-сиз		940434
	<b>Жами</b>				<b>940434</b>			<b>940434</b>

1.2. Шартноманинг умумий суммаси **940434**(Тўққиз юз қирқ минг тўрт юз ўттиз тўрт) сўми ташкил қилади .

**2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ**

- 2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани ғазначилик бошқармасида рўйхатга олинган кундан бошлаб \_\_\_ банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдорда (шартнома суммасидан 30% миқдорда) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.
- 2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 5 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.
- 2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.
- 2.4. "Буюртмачи" товарларни қабул қилишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарларга мувофиқлигини текшириши шарт.
- 2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.
- 2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.
- 2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.
- 2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

**3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

- 3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:  
 Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;  
 Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўл Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;  
 Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:  
 - тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;  
 - камчиликларни беғараз бартарф этиш;  
 - Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.
- 3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:  
 - мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш;  
 - товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.
- 3.3. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:  
 - "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун яқуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;  
 - Буюртмачидан шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.
- 3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:  
 - Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;  
 - агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича \_\_\_ - кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни беғараз бартараф этиш.
- 3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.
- 3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади

#### **4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ**

4.1. Товарларни танлаб олмастик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (Ўз муддатида олинмаган) товарлар кийматининг 5 фоизи миқдориди, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдориди жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (Ўз муддатида олинмаган) товарлар киймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

4.3. Етказиб берувчи:

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек тақлиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи шартнома шартларининг буюртмачи назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;
- шартнома шартларининг бошқа бузилишлари;
- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар кийматининг 20 фоизи миқдориди жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.6. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар кийматининг 5 фоизи миқдориди жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

#### **5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иктисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иктисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иктисодий судида кўриб чиқилади.

#### **6. ФОРС-МАЖОР**

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қарориди кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

#### **7. БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

#### **8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**


8.1. Мазкур шартнома газначилик бошқармасида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. “31” декабригача амал қилади.



8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин.


Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

### 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Етказиб берувчи
Ташкилот номи: MChJ «HUMO MED-PHARM» Манзил: Самарканд вилояти, Самарканд шаҳар, Нурли келажак МФЙ, Сайкал кучаси, 10 уй Тел.: 933380002 Х/Р 20208000205275009001 Банк номи : Агробанк АТБининг худудий филиали СТИР коди: 307630975 ОНХ: МФО : 00279 Рахбар (директор): З.Н.Исмаилов М.Ў.  (имзо)

Буюртмачи
Ташкилот номи: Самарканд вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази. Манзил: Тел.: (78) 210-13-51 Факс: СТИР коди 202433292 ОКОНХ: 91531 МФО 00014 Буюртмачининг Ғазна шахсий ҳисобварағи: <u>100021860184017074910054001</u> Ғазначилик бўлинмаси номи: Самарканд вилояти ғазначилик бошқармаси Ягона Ғазначилик ҳисобварақлари (ЯҒХ): 23402000300100001010 Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар Б.Б ХККМ МФО : 00014 Ғазначилик бўлинмаси ИНН рақами: 201122919 Рахбар (директор):  З.Б. Умирзаков М.Ў. (имзо) 



Самарканд вилоят ОИТСга карши курашиш  
маркази Бош врач З.Б.Умирзаковга

ООО "ХУМО МЕД-ФАРМ" Самарканд вилоят ОИТСга карши курашиш маркази 2022йил 14-январ куни Дори-дармон воситалари билан таъминлаш мақсадида утказиладиган танловда иштирок этиш учун танлов комиссиясига куйидаги дори-дармон воситалари буйича уз таклифларимизни маълум қиламиз:

№	Товар (махсулотлар) номи	Улчов бирлиги	Сони	Нархи	Бахоси
1.	Калций 100мл	дона	2	470217	940434
	<b>Жами</b>				<b>940434</b>

Таклиф этилаётган дори-дармон воситалари сифатли ҳамда шартномада келишилган муддатларда етказиб бериш ва бажариш зарур бўлганда уларни бюджет ташкилоти томонидан олингунга қадар оморларда тўлиқ сақлаб туриш кафолатланади (бошқа имкониятлар ҳам қайд этилиши мумкин)

ООО "ХУМО МЕД-ФАРМ"



З.Н.Исмаилов